

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

БЕКБАЕВ ХАНПОЛАТ АРЫСЛАНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИНИНГ
СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Бекбаев Ханполат Арысланбаевич

Қорақалпоғистон шароитида қорақўл қўйларининг сут маҳсулдорлигини
оширишни такомиллаштириш..... 3

Бекбаев Ханполат Арысланбаевич

Совершенствование молочной продуктивности каракульских овец в
условиях Каракалпакий..... 21

Bekbaev Khanpolat Arislanbaevich

Perfecting the milk productivity of karakul sheep in the conditions of
Karakalpakstan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 42

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

БЕКБАЕВ ХАНПОЛАТ АРЫСЛАНБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИНИНГ
СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Qx480 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси www.uzkarakul.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турганбаев Рузимбай Уразбаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Ўктам Хаджимуратович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Кличев Зафар Сафарович
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етақчи ташкилот:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Диссертация химояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 29» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, мажлислар зали 2-кават, тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (190 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй, институт маъмурий биноси, 1-кават Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил 22» 12 куни тарқатилди.
(2020 йил 22» 12 даги 11 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]

Н.А.Бобоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к-х.ф.д., профессор

[Signature]

Б.С.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к-х.ф.ф.д (PhD)

[Signature]

С.Ю.Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к-х.ф.д.,
профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда қорақўл кўй зоти дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида урчитилиб, 600 дан ортиқ турли маҳсулдорлик йўналишидаги кўй зотларининг умумий бош сони 1,25 млрд. ни ташкил этади. Дунё микёсида қорақўлчилик соҳасида сут маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли қорақўлчилик ривожланган ҳорижий мамлакатларда аҳолининг қорақўлчилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, айниқса сут маҳсулотларнинг миқдори ва сифати ҳамда селекцион-технологик жараёнларни модернизациялаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бу мамлакатлар қаторида Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Афғонистон давлатларида, МДХ давлатлари ичида Қозоғистон, Туркманистон Республикаларида қорақўл зоти янги ирсий хусусиятли генотиплар билан бойитилган ва уларнинг ирсий имкониятлари кенгайтирилган.

Ўзбекистонда урчитилувчи сур қорақўл кўйларининг учта зот типиди мавжуд -Бухоро, Қорақалпоқ ва Сурхондарё¹. Қорақалпоқ зот типиди қимматли ҳисобланиб, уларни сут маҳсулдорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Республикамизда мустақиллик йилларида қорақўл кўйларининг маҳсулдорлиги бўйича селекциясини ташкил этиш орқали уни зотдорлигини яхшилаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, зотнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб тери, сут, жун ва гўшт маҳсулдорлигини оширишга эришилди. Қорақўл кўйларининг турли ранглар кесимида сут маҳсулдорлигига хос бўлган муҳим белгилари бўйича ҳайвонларни танлаш ва саралашнинг самарали усулларини такомиллаштириш ва ҳудуднинг кескин иқлим шароитига чидамли авлодлар етиштириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш» га алоҳида эътибор қаратилган². Хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ишлари ва хизматлар кўрсатувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-2841-сонли қарори, 2018 йил 14 мартдаги «Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3603 сонли қарори, 2019 йил 16 августдаги «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4420 сонли,

¹ <https://agro-olam.uz/qoylarning-qorakol-zoti-haqida/>

² Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-6059-сон фармони, 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-4817 сонли қарори ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида жуда кўп тадқиқотларда қорақўл совлиқларнинг сут маҳсулдорлиги зотига (Юсупов С. Ю., Фазилов У. Т., Газиёв А., 2007), индивидуал ирсий хусусиятига (Газиёв А., 2009), озикланиш даражасига (Бобоқулов Н.А., 2004), (Турганбаев Р.У., 2017), ёшига, этологик типига (Хатамов А.Х., Раззоқова Х., 2015), конституциясига (Юсупов С. Ю., 2005), туғилиш муддатига (Юсупов С.Ю. ва бошқалар, 2007; Газиёв А., 2009, Исмаилов М.Ш., 1989), ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларига (Газиёв А., 2009; Эшниязов С., Газиёв А., 2001) ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқлиги кўрсатилган.

Маълумки совлиқларнинг сут маҳсулдорлиги даражаси, кўзиларининг ўсиш ва ривожланиши билан айниқса дастлабки 3 ҳафталик ёшида жуда кучли даражада боғлиқ, чунки бу даврда кўзиларнинг асосий озукаси оналарининг сути ҳисобланади. Шу боис, кўзиларнинг ўсиб-ривожланиши учун она сути аҳамиятли ҳисобланади.

Дунёда қорақўл кўйларининг сут маҳсулдорлигини оширишнинг селекцион-технологик усуллари ишлаб чиқиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, қорақўл кўзиларини жадал ўстиришда сут маҳсулдорлигини ошириш ва уларининг биологик салоҳиятидан фойдаланишнинг селекцион-технологик тизимини ишлаб чиқиш каби бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қорақўл кўйлари сут маҳсулдорлиги, сут маҳсулдорлиги ошириш, олинган кўзиларнинг ўсиб ривожланиш жадаллиги билан боғлиқлигини ўрганиш йўналишида етарли даражада тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг 0194514 рақами билан рўйхатга олинган “Қорақўл зотли кўйларнинг наслий имкониятларини бошқариш ва фойдаланишнинг самарали моделини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақўл кўйларининг сут маҳсулдорлигини ошириш борасида услублар ишлаб чиқиш ва сут маҳсулдорлигига хос бўлган

муҳим белгилари бўйича ҳайвонларни танлаш ва саралашнинг самарали усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли рангдаги қоракўл қўйларининг тирик вазни, мутлақ ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари, экстеръери ҳамда тана тузилиш индексларини ўрганиш;

сут маҳсулдорлигининг туғим ёшига, конституционал типларига боғлиқлигини ўрганиш;

сут маҳсулдорлигининг яйлов типларига ва елин тузилишига боғлиқлигини ўрганиш;

қоракўл қўйлари сутининг кимёвий таркиби, соғиш усуллари, сутини қайта ишлаш ва маҳсулот таёрлаш усулларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида қоракўлчилик фермер хўжаликлари шароитида хар-хил ёш, рангдаги ва конституционал типдаги қоракўл қўйларининг сут намуналари олинган.

Тадқиқот предмети қоракўл қўйларининг ёши кесимида сут маҳсулдорлиги ва биологик кўрсаткичлари, сутининг товарлик сифати, кимёвий хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қоракўл қўзиларининг тирик вазни яъни туғилган вақтдаги, 15-20 кунлик, 4-4,5 ойлик, 9, 12 ва 18 ойлик ёшидаги тирик вазни электрон тарозида ўлчаш йўли билан аниқланди.

Тажрибадаги қўзиларнинг экстеръери аввал кўз билан баҳоланиб, сўнгра маҳсус асбоблар ёрдамида ўлчовлар олиниб, тана тузилиш индекслари зоотехнияда умумий қабул қилинган услубларда ҳисобланди. Қўчқорларнинг гўшт маҳсулдорлиги «Изучение мясной продуктивности овец. Методические рекомендации» ёрдамида ўрганилди. Совлиқларнинг сутдорлиги қўзиларининг туғилганидан 21 кунлик ёшигача бўлган даврдаги тирик вазнини 5 коэффицентига бўлиш йўли билан, кейинги ёшларида қўзиларнинг оналарини эмишидан олдин ва эмгандан кейинги тирик вазнини ўлчаш йўли билан, сутнинг кимёвий таркиби замонавий «ЕКОМЛК» электрон аппаратида аниқланди.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Н.А.Плохинскийнинг «Руководство по биометрии для зоотехников» қўлланмаси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлигини оширишнинг усуллари ва сутни қайта ишлашнинг иқтисодий самарали технологияси аниқланган;

сутнинг кимёвий таркиби ва қўй сутини қайта ишлаш технологияси аниқланган;

сут маҳсулдорлигининг туғим ёшига, конституционал типларига, яйлов типига, елин тузилишига боғлиқлиги аниқланган;

бошланғич селекцион материаллар асосида қоракўл қўйларининг ёши кесимида сут маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш бўйича усуллар ишлаб чиқиб ва тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли сутдорликдаги қоракўл қўйлари авлодларининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш орқали улар маҳсулдорлигидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

совликлар сутдорлигининг туғим ёшига, конституционал типларига, яйлов типига, елин тузилишига боғлиқлиги аниқланган;

турли сутдорликдаги қоракўл қўйлариининг сут маҳсулдорлик хусусиятларининг намоён бўлиш даражалари аниқланган;

қоракўл қўйлариининг сут маҳсулдорлигини ўрганиш асосида юқори самара берувчи сутни қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотларида замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланганлиги, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларига ижобий баҳо берилганлиги, олинган рақамли маълумотларнинг барчасига биометрик танланмалар усулида статистик жиҳатдан ишлов берилганлиги, натижаларнинг жорий этилиши далолатномалар билан асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор қоракўлчилик амалиётида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудларида ҳар хил рангдаги қоракўл қўйлариининг сут маҳсулдорлигини ўрганиш ва маҳсулдорлигини ошириш, биологик ҳамда маҳсулдорлик хусусиятлари уларнинг совликлар сут маҳсулдорлигига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудлари шароитида ҳар-хил рангдаги қоракўл қўйлариининг сут маҳсулдорлигини оширишда ишлаб чиқилган технологияларнинг қўлланилганлиги, қоракўл қўйлариининг олинган сут маҳсулотининг ҳажмини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини замон талаблари даражасига етказиш имкониятлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудлари шароитида ҳар-хил рангдаги қоракўл қўйлариининг сут маҳсулдорлигини оширишда қоракўл қўйлариининг биологик ҳамда маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

турли рангдаги қоракўл қўйлариининг сут маҳсулдорлигини оширишни такомиллаштириш усули Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани қоракўлчиликка ихтисослашган «Тоба-хожа» фермер хўжалигида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02/018-2174 рақамли, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 31/32 рақамли ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» уюшмасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 40 рақамли маълумотномаси). Натижада ҳар бир қоракўл қўйидан 45500-55000 сўм

фойда олинган, рентабеллик даражаси ранглар кесимида мос равишда 31,6; 28,4 ва 26,1 фоизни ташкил қилган;

турли рангдаги қоракўл кўйларининг сут маҳсулдорлигини оширишни такомиллаштириш усули Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани қоракўлчиликка ихтисослашган «Едиге фермер» фермер хўжалигида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02/018-2174 рақамли, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 31/32 рақамли ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» уюшмасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 40 рақамли маълумотномаси). Натижада ҳар бир қоракўл кўйидан 45500-55000 сўм фойда олинган, рентабеллик даражаси ранглар кесимида 26,1-31,6 фоизни ташкил этган;

турли рангдаги қоракўл кўйларининг сут маҳсулдорлигини ошириш йўллари Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани қоракўлчиликка ихтисослашган «Нуртилек-қораозек» фермер хўжалигида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02/018-2174 рақамли, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 31/32 рақамли ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» уюшмасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 40 рақамли маълумотномаси). Натижада ҳар бир қоракўл кўйидан 45500-55000 сўм фойда олинган, рентабеллик даражаси ранглар кесимида 26,1-31,6 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани «Қойбақ» фуқоралар йиғинига қарашли қоракўлчиликка ихтисослашган «Нуртилек-қораозек» фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2018-2020 йй.), Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали илмий кенгаш йиғилишларида ҳамда 2 та ҳалқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 9 та, шу жумладан ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та, шундан 2 таси хорижий нашрларда, мақолалар чоп қилинган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хусусий тадқиқот натижалари, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончилиги, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг жорий қилиниши, олинган натижаларининг апробацияси, чоп этиш натижалари ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.


Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида қорақўл зотли қўйларнинг ўзига хос жиҳатларини, уларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши, қўйлар сут маҳсулдорлигини оширишда озиклантириш омилидан фойдаланиш, қўйларнинг сут маҳсулдорлигини оширишга оид адабиётлар таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу йўналишларда тадқиқотлар ўтказган кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот манбаи ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили, схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Тадқиқотлар 2018-2020 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги қорақўлчиликка ихтисослашган “Нуртилек-қораозек” фермер хўжалигида ҳар-хил рангдаги қорақўл қўйларида ўтказилган. Тадқиқотлар давомида турли рангдаги қорақўл қўйларининг ўсиши ва ривожланиши, турли ёш даврларидаги тирик вазни, экстерьер, тана тузилиши индекслари, турли ёшли ҳар-хил рангдаги ва туғим ёшидаги қорақўл қўйлари сут маҳсулдорлигининг конституция типларига, ёшига, яйлов типларига боғлиқлиги аниқлаш, тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги, тажрибада олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланиладиган усул ва услублар баён этилган.

Диссертациянинг «**Қорақўл қўйларининг биологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ҳар-хил рангдаги қорақўл қўйларидан олинган авлодларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, тирик вазн динамикаси, тирик вазннинг мутлақ ва нисбий ўсиши, экстерьер ўлчамлари, катта ёшдаги қўйларнинг экстерьер ўлчамлари, ёш кўзиларда тана тузилиши индекслари кўрсаткичлари, турли рангдаги қўчқорларнинг гўшт маҳсулдорлиги баён қилинган.

Қорақўл қўйларининг тирик вазнини имкон даражада бир маромда сақлаш, уларнинг маҳсулдорлик, ҳаётчанлик, олинадиган авлодларнинг яхши ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. Тажрибадаги ҳар-хил рангдаги қорақўл қўйларининг тирик вазни кўрсаткичлари 1- расмда келтирилган.



$P < 0,05$

1-расм. Турли рангдаги қоракўл қўйларининг тирик вазни, кг

Тажриба маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қоракўл қўйларининг тирик вазни сутдан чиққан даврда барча рангдагиларда юқори эканини кўрсатади қора рангдагиларда $40,0 \pm 0,59$ бўлган бўлса, бу кўрсаткич сур рангдагилада $37,2 \pm 0,58$ га тенг бўлган, оралик ўринни кўк рангдагилар ($39,2 \pm 0,53$) эгаллади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буғозлик даврида қоракўл қўйларининг тирик вазни сутдан чиққан даврга нисбатан 10-13% кам бўлиши кузатилади. Бунинг асосий сабабларидан бири биринчидан бўғозлик даврининг қиш ойларига тўғри келиши натижасида озучавий танқисликнинг бўлиши, организм учун етарли моддалар етишмаслиги бўлса, иккинчидан ўша даврда ҳомила учун катта миқдорда минерал моддаларга бўлган талаб ошиб боради. Сутдан чиққан даврга келиб яйлов ўсимликлари барқарорлиги туфайли ҳайвон организми учун маълум даражада озучавий моддалар заҳираси тўпланади ва улар бевосита тирик вазнига таъсир кўрсатади.

Қоракўл қўйларининг тирик вазни улар қўзилар тирик вазнига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳар хил-рангдаги қоракўл қўйларида олинган қўзиларнинг тирик вазн кўрсаткичлари 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ҳар хил рангдаги қоракўл қўзиларининг тирик вазн динамикаси, кг

Ҳайвонларнинг ёши	Қора рангли		Кўк рангли		Сур рангли	
	Туғилиш типи					
	n	ёлғиз	n	ёлғиз	n	ёлғиз
Туғилганда	29	$3,97 \pm 0,11^x$	15	$3,24 \pm 0,18$	17	$4,03 \pm 0,18$
4-4,5 ойлигида	24	$24,2 \pm 0,27^x$	13	$25,3 \pm 0,23$	14	$25,3 \pm 0,23$
12 ойлигида	21	$31,3 \pm 0,38^x$	12	$30,6 \pm 0,34$	13	$31,6 \pm 0,34$
18 ойлигида	19	$35,2 \pm 0,21^x$	9	$34,9 \pm 0,32$	11	$33,1 \pm 0,32$

$x - P < 0,01$; $x^x - P < 0,001$.


Жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, ёш кесимида тирик вазни бўйича тафовут 18-ойлик ёшига бориб тенглашиши кузатилади. Ранглар кесимида бу фарқ сақлаб қолинган. 18-ойлик даврида ёлғиз туғилган

қора рангдаги кўзиларда ўртача 35,2+0,21 кг тирик вазнга эга бўлган бўлса, сур рангдагиларда 33,1+0,32 кг тирик вазнга эга бўлиб, оралик вазиятда кўк рангдагилар туради.

Барча рангдаги қоракўл кўйлари 1,5 ёш даврга бориб деярли тирик вазни бўйича тенглашиб бориши кузатилади. Шунини таъкидлаш жоизки, қора рангли қоракўл кўйлари кўк ва сур рангдагиларга қараганда юқори эканлиги кўриш мумкин. Бу фарқ ранглар кесимида 4,5-5,5% ни ташкил қилади.

Қоракўл кўзиларининг тирик вазни уларнинг ўсиб-ривожланиш кўрсаткичларини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ҳар-хил рангга мансуб кўзилар мутлақ ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари таъсир кўрсатади.

Бизнинг тадқиқотларимизда ҳар хил рангга мансуб қоракўл кўзиларининг мутлақ ўсиш кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар куйидаги 2-расмда келтирилган.




2-расм. Ҳар-хил рангга мансуб кўзилар мутлақ ўсиш кўрсаткичлари, кг

Маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики, қора рангли кўзиларда 18 ойлик давргача 31,23 кг яъни (786,0%) ташкил қилган бўлса, кўк рангли кўзиларда бу кўрсаткич 30,20 кг (732%) ташкил қилади. Сур рангдагиларда эса 29,07 кг (726%) ташкил қилади. Агар қора рангли кўзиларнинг мутлақ ўсими 100% деб қабул қилинса, унда кўк рангдагилар 96,7% га, сур рангдагиларда бўлса 93,08% га тенгдир. Яъни қора рангдагиларга нисбатан кўк рангдагилар 3,7%, сур рангдагилар эса 6,1% га орқанда қолиш кузатилади. Наслчилик ишига яроқсиз бўлган эркак туғилган кўзиларни ҳосилдор яйлов шароитида яйратиш боқиб ва уларни 4-4,5 ойлигида гўшт учун топшириш самарали эканлигини исботлайди. Кўзиларнинг гўшт учун семиртиришга уларнинг рангига эътибор қаратиш ва уларни ҳисобга олиш зарурдир.

Қоракўл қўйларининг ранги кесимида тирик вазни уларнинг экстерьер кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай боғлиқни қуйидаги 3-расмдан кўриш мумкин.

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, турли ёш даврларида турли рангдаги қоракўл қўйларининг экстерьер ўлчамларининг динамикаси бўйича олинган маълумотлардан кўриш мумкинки, барча ёш даврларида қора рангли қоракўл қўзилари юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, қора рангли қоракўл қўзилари кўк ва сур рангли қўйларга нисбатан юқори кўрсаткичларни қайд этган.

Қора рангли қўзиларда экстерьер ўлчамлари кўрсаткичлари кўк ва сур рангли қўзиларга нисбатан 1,5-2,0% устунлик қилганини кўриш мумкин. Хулоса қилиш мумкинки, қўзиларнинг ранги кейнчалик қора бўлса уларнинг тана ўлчамлари ҳамда гавданинг ривожланиш кўрсаткичлари юқори бўлиши қайд этилди.



3- расм. Турли рангдаги қўйлардан олинган авлодларнинг туғилган вақтдаги экстерьер ўлчамлари

Тирик вазн кўрсаткичлари уларнинг гўшт маҳсулдорлиги билан боғлиқ бўлиб, турли рангдаги қўйларидан олинган қўчқорчаларнинг гўшт маҳсулдорлиги қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.


Жадвал маълумотлари тахлили шуни кўрсатадики, гўшт маҳсулдорлиги бўйича турли рангдаги қўчқорларда сезиларли даражадаги ўзгаришлар аниқланди. Бунда барча кўрсаткичлар бўйича қора рангдаги қўйлардан олинган қўчқорчаларнинг устунлик қилиши аниқланиб, бундай устунлик тирик вазн бўйича 0,4 ва 1,6 килограмми, нимта оғирлиги бўйича 0,8 ва 1,0 килограмми, ички ёғлар оғирлиги бўйича 0,43 ва 0,61 килограмми, сўйим оғирлиги бўйича эса 0,93 ва 1,65 килограмми ташкил этгани қайд этилди.

**Турли рангдаги қўйларидан олинган қўчқорларнинг
гўшт маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Қора рангдаги қўйлардан олинган қўчқорчалар	Кўк рангдаги қўйлардан олинган қўчқорчалар	Сур рангдаги қўйлардан олинган қўчқорчалар
Қўчқорчалар сони, бош	3	3	3
Сўйим олди тирик вазни, кг	37,4±0,35	36,9±0,39	35,8±0,34
24 соатдан кейинги тирик вазн, кг	35,3±0,31	34,3±0,35	33,4±0,31
Нимта оғирлиги, кг	16,1±0,24	15,3±0,19	15,1±0,19
Ички ёғлар оғирлиги, кг	0,71±0,07	0,41±0,05	0,33±0,04
Сўйим оғирлиги, кг	17,18±0,36	16,21±0,31	15,63±0,23
Сўйим чиқими, %	48,66	47,25	46,79

Диссертациянинг «Қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида қоракўл қўйларининг ранги кесимда сут маҳсулдорлиги, қоракўл кўзиларининг сут маҳсулдорлигининг туғим ёшига, конституциясига, яйлов типларига, елин тузулишига боғлиқлиги, қоракўл қўйлари сутининг кимёвий таркиби, қўйларни соғиш усуллари ва кўшимча озиклантиришни ташкил қилиш, қўй сутини қайта ишлаш ва маҳсулот таёрлаш усуллари ва қадқикот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги баён қилинган.

Тадқиқотларда ҳар-хил рангдаги қоракўл қўйлардан олинган маҳсулот тури ва ҳажми билан балки, уларнинг сутдорлиги ва сут сифати билан ҳам узвий боғлиқлиги аниқланди. Ҳар-хил рангдаги қоракўл қўйлардан олинган сут маҳсулдорлиги куйидаги расмда кўрсатилган.



4- расм. Совлиқларнинг ранги кесимида сут маҳсулдорлигининг фарқланиши, литр

Тадқиқотларда сут маҳсулдорлиги бўйича қора рангдаги қоракўл қўйлари кўк ва сур қўйларга нисбатан сезиларли устунлик қилиши аниқланди. Бундай устунлик мутаносиб равишда 4,2-5,2 фоизни ташкил қилди. Хулоса қилиб, айтсак ранглар кесимида қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлиги маълум даражада рангига боғлиқдир.

Қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлигини белгиловчи омиллардан асосийси, совлиқларнинг туғим ёши бўлиб ҳисобланади. Туғим ёши бўйича қўйларнинг сут маҳсулдорлиги кўйидаги 3-жадвалда келтирилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан айтиш мумкинки, қоракўл қўйларининг туғим ёшида уларнинг сут маҳсулдорлигига маълум даражада боғлиқдир. Агар биринчи туғим ёшидаги совлиқларнинг сут маҳсулдорлигини 100% деб қабул қилинса, туғим ёш қисимида 2 туғим ёшдаги совлиқлар 4,6%, 3 туғим ёшидагилар 11,3%, 4 туғим ёшидагилар 11,7%, 5 туғим ёшидагилар 12,5 фоизда ўзгаришини кўриш мумкин.

3-жадвал

Қоракўл қўйлари сут маҳсулдорлигининг туғим ёшига боғлиқлиги

№	Қўйларёши	Эрталабки соғин грамм ($X \pm S_x$)	Кечқуринги соғин грамм ($X \pm S_x$)	Жами сут грамм ($X \pm S_x$)
1	1- туғим (n=15)	490,51±0,31	379,98±0,27	870,49±0,70
2	2- туғим (n=16)	501,67±0,39	408,99±0,35	910,66±0,81
3	3- туғим (n=21)	560,70±0,44	430,01±0,41	990,70±0,88
4	4- туғим (n=25)	614,80±0,56	405,58±0,35	1020,36±0,90
5	5- туғим (n=24)	635,90±0,61	455,65±0,35	1091,55±0,90
6	Ўртача(n=101)	560,69±0,41	416,02±0,41	976,75±0,96

Тадқиқотларда 1-суткалик сут миқдори 1-туғим ёшидан 4-5 туғим ёшигача бўлган даврда энг юқорги кўрсаткичга эга бўлган.


Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, совлиқларининг сут маҳсулдорлиги 5 инчи туғим ёшига қадар ошиб бориши кузатилади. Шунини таъкидлаш жоизки, дағал конституция типдаги қўйларда энг юқори кўрсаткич кузатилган бўлса энг кам сут маҳсулдорлиги ноизик конституция типда мустаҳкам типдагилар оралиқ ўринни эгаллаган. Қўзилар туғим давридаги тирик вазни уларнинг ўсиб ривожланишини белгилайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Турли конституция типдаги қўйларнинг сут маҳсулдорлиги кўрсаткичлари бир-биридан фарқланади. Шунини таъкидлаш лозимки, қўйларда конституция типлари уларнинг генетик қимматини, маҳсулдорлик кўрсаткичларини, яшовчанлик хусусиятларини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Қора рангли қўйларнинг аксарият қисми мустаҳкам конституция типини (79,6%) билан характерланиб, бу борада улар кўк рангли конституция типга эга қўйлардан (72,2%) 7,4 фоиз, сур рангдаги конституция типга эга қўйлар бўлса (61,7%) 17,9 фоиз устун кўрсаткичга эга бўлганлиги аниқланди. Бунинг яққол мисоли юқоридаги диаграммада кўриш мумкин.

Қора рангли қўйларнинг аксарият қисмининг мустаҳкам конституцияга эга бўлиши улар орасида нозик (7,4%) ва қўпол (13,0%) конституцияли қўйлар салмоғининг камайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда кўк ва сур рангли қўйлар орасида нозик конституцияли қўйлар салмоғининг (мутаносиб равишда 16,6% ва 27,2%) ошиши кузатилди.

Тажрибадаги ҳар-хил рангдаги қўйлардан олинган авлодларнинг конституционал хусусиятларини ўрганиш натижалари ушбу кўрсаткичлар орасида маълум даражадаги ирсий боғлиқлик борлигини кўрсатади



5-расм. Турли рангдаги қўйларнинг конституционал хусусиятлари

Бугунги куннинг долзарб масалалаирдан бири – яйловлардан тўғри фойдаланишдир. Сабаби уларнинг ҳосилдорлигини ошириш шу билан бир қаторда ўсимлик турларини кўпайтириб бориш ва озуқавий қийматини ошириш бу қўйларнинг бош сонини сақлаб қолиш ва ниҳоятда сут маҳсулдорлиги оширишдир. Қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлигининг яйлов типларига боғлиқлиги қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлиги маълум даражада яйлов типларига боғлиқдир. Қора рангдаги қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлиги шўра, янтоқли яйловларда маълум даражада кўп эканлигини кўрсатса, (1 ой лактация $879,8 \pm 0,75$ грамм) ярим яйлов шароитида бу кўрсаткич $854,2 \pm 0,71$ га тенгдир. Бу борада бута – барра ўтли яйловларда бўлса $846,4 \pm 0,74$ граммга тенгдир. Бу кўрсаткичлар қўйлар ранги кесимида сақланиб қолган. Қоракўл қўйлари асосан 1 чи лактация даврида энг юқори сут маҳсулдорлигига эгадир. Бу кўрсаткич барча ранглар кесимида сақланиб қолган.

Қоракўл қўйларининг елин тузилиши маълум даражада совлиқлар сутдорлиги билан боғлиқдир. Кўпчилик сонли олимларнинг маълумотлари бўйича, қоракўл қўйларининг елин тузилиши ҳар-хил бўлиши таъкидланган.

Бизнинг тажриба ишларимизда қоракўл қўйларининг тузилишини кўп йиллик тадқиқотлар ва соҳа чорвадорлари тажрибасига таянган ҳолда қуйидаги елин тузилишларига бўлиб ўрганишни мақсад қилдик.

Қоракўл кўйлари ранги кесимида сут маҳсулдорлигининг яйлов типларига боғлиқлиги, 1 суткада/грамм

№	Совлиқлар ранги	Бош сони	Яйлов типлари,		
			Бута – барра ўтли яйловлар	Ярим – бута ўтли яйловлар	Шўра, янтокли яйловлар
Қора рангдагилар					
1	1 ой лактация	28	846,4±0,74	854,2±0,71	879,8±0,75
	2 ой лактация	26	600,9±0,59	604,5±0,59	611,4±0,59
	3 ой лактация	29	296,4±0,19	304,1±0,28	308,1±0,28
Кўк рангдагилар					
2	1 ой лактация	17	819,4±0,71	809,5±0,74	848,4±0,71
	2 ой лактация	14	588,4±0,45	576,1±0,49	608,4±0,58
	3 ой лактация	11	284,1±0,26	271,4±0,19	299,5±0,24
Сур рангдагилар					
3	1 ой лактация	21	806,4±0,65	796,4±0,61	821,5±0,74
	2 ой лактация	19	575,4±0,41	564,2±0,48	611,4±0,58
	3 ой лактация	16	279±0,21	259,4±0,19	309,5±0,27

Улар куйидагилардан иборатдир.

1. Чуқур елин. Бундай кўринишдаги кўй елинлари чуқур жойлашган бўлиб, бошқа турдаги елинларга қараганда бирмунча кенг сут ваннасига эгадир. Ушбу елинга эга совлиқ кўйларнинг қулай соғиш учун барча шароитга эга бўлиб маълум даражада сутдорликни таъминлайди. Бундай елинга кўйлар подада кўп сонли ҳисобланади.

2. Узунчоқ елин. Бундай елинга эга совлиқ кўйларда бирмунча кичикрок сут ваннасига эга бўлиб, сут тўпланиш даражаси чуқур елинга нисбатан анча камрокдир. Узунчоқ елинга эга кўйлар подада кам сонли ташкил қилади.

3. Ярим дўмалоқ елин. Бундай елинга эга совлиқ кўйларда сут пайдо бўлиш механизми ва сутдорлиги паст ҳисобланади. Кўпчилик ҳолларда бундай елинга эга кўйларда эгиз туғишда сут танқислиги, натижада авлодларнинг сут билан таъминланиши суст даражада бўлиб, кўзилар ўсиб-ривожланиши ортда қолиши кузатилади.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, турли рангдаги қоракўл кўларининг 60-кунлик лактация давридаги сутдорлигининг елин тузилишига боғлиқлиги таҳлили, қора рангдаги кўйлар сут миқдори 100 фоиз деб қабул қилинса, кўк рангдаги совлиқларда 94,5 фоиз, сур рангдагилар эса 95,7 фоизга тенгдир.

Кўп йиллик тажрибаларга таяниб шуни таъкидлаш имкони бўладики, кўп сонли қоракўлчилик сурувларни таҳлил қилганимизда чуқур елинга эга кўйлар бош сони маълум даражада кўп сонли эканлигини кўрсатади. Шуни таъкидлаш лозимки, кўпчилик ҳолларда, чуқур елинга эга кўйларда эгизлик даражаси юқори эканлиги тасдиқланади.

5-жадвал

Турли рангдаги қоракўл қўларининг 60-кунлик лактация давридаги сутдорлигининг елин тузилишига боғлиқлиги, кг

Елин тузилиши	Турли рангдаги қўйлар		
	Қора рангли n=50	Кўк рангли n=22	Сур рангли n=38
	X±S _x		
Чуқур елин	39,8±1,49	37,6±1,69	38,1±1,97
Узунчоқ елин	32,7±1,17	34,5±1,74	34,9±2,01
Ярим дўмалоқ елин	31,9±1,06	33,7±1,68	32,6±1,86

Қоракўл қўйларидан нафақат тери маҳсулдорлиги балки, улардан гўшт етиштиришда елин тузилиши аҳамиятли ҳисобланиб, уларнинг сут маҳсулдорлиги, соғлом кўзила етиштиришда бу кўрсаткичларни инобатга олиш зарурдир.

6-жадвал

Турли рангдаги қоракўл қўларининг иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1 бош учун			20 бош учун		
		Турли рангдаги қоракўл қўйлари			Турли рангдаги қоракўл қўйлари		
		Қора рангли	Кўк рангли	Сур рангли	Қора рангли	Кўк рангли	Сур рангли
Тажриба қўйлари бош сони	бош	1	1	1	20	20	20
Лактация давомийлиги	кун	60	60	60	60	60	60
Лактация давомида 1 бош қўйдан олинган сут	л	45,8	44,7	43,9	45,8	44,7	43,9
Лактация давомида жами қўйлардан олинган сут	л	х	х	х	916	894	878
Ўртача 1 бошдан 1 суткалик сут миқдори	л	0,763	0,745	0,732	0,763	0,745	0,732
1 литр сутнинг баҳоси	сўм	5000	5000	5000	5000	5000	5000
Жами даромад	м.сўм	229	223,5	219,5	4580	4470	4390
1 литр сутнинг таннархи	сўм	3799	3893	3964	3799	3893	3964
Лактация даври харажати	м.сўм	174,0	174,0	174,0	3480,0	3480,0	3480,0
Олинган соф фойда	м.сўм	55,0	49,5	45,5	1100,0	990,0	910,0
Рентабеллик	%	31,6	28,4	26,1	31,6	28,4	26,1

Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги натижадор илмий ишланмалар орқали орол бўйи худудларида қорақўлчиликдан қўшимча сўт маҳсулотлари етиштириш мумкин. Бу борадаги олиб борилган тадқиқотнинг натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, турли рангдаги қўйларнинг 60-кунлик давридаги лактация маҳсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги бўйича қора рангдаги қорақўл қўйларидан 45,8 кг сўт соғиб олинган бўлса, кўк рандагилардан 44,7 кг., сур рандагилардан эса 43,9 кг сўт соғиб олинган. Рентабеллик даражаси қора рандагиларда 31,6% га тенг бўлган бўлса, кўк рандагиларда 28,4% га, сур рандагиларда эса 26,1% га тенг бўлди. Ранглар кесимда қора рандагиларга нисбатан 3,2-5,5% кам рентабеллик даражасига эга бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий худудларида турли ранга мансуб қорқўл қўйларининг тирик вазни кўрсаткичлари қора рандагиларда $40,0 \pm 0,59$ кг бўлган бўлса, бу кўрсаткич кўк рандагиларда $39,2 \pm 0,53$ кг, сур қорақўл қўйларида эса $37,2 \pm 0,58$ кг ни ташкил қилади.

Ранглар орасидаги ўртача фарқланиш сўтан чиққан даврда 4-6% ни ташкил қилади ва барча рангдаги қўйларда тирик вазн кўрсаткичи бўйича 18-ойлик ёшига бориб тенглашиб боради.

2. Турли ранга мансуб қорқўл қўйларида тирик вазнининг мутлақ ўсиши билан фарқланишлар кузатилади. Қора рангли қорақўл қўйларида 10-ойлик даврида 786,0% га тенг бўлган бўлса, кўк рангли қўйларда 732,0% га, сур рангли қўйларда эса 726,0% тенг бўлган. Бу кўрстакчи ранглар кесимида 54,0-60,0% ни ташкил қилди.

3. Ранглар кесимида қорақўл қўйлари сўтдорлигига боғлиқ равишда кўчқорчаларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича қора рандагилар сезиларли даража юқори бўлиб, кўк ва сур рандагиларга нисбатан 0,34-1,6 кг га устунлик қилади.

4. Экстерьер кўрсаткичлари бўйича ранглар кесимида қора рандагиларда юқори бўлиб, кўк ва сур рандагиларга нисбатан 1,5-2,0 га барча тана ўлчамлари бўйича устунлик қилади. Барча рангдаги қорақўл қўйларининг қизилқумнинг кескин иқлим шароитига мослашувчанлиги юқори эканлигини аниқланди.

5. Турли рангдаги қорақўл қўйларининг сўт маҳсулдорлиги бўйича қора рангдаги қўйларда жами 1-ойдаги сўт маҳсулдорлиги бўйича ўртача сўткасига 10 сўткада 730 граммни, кўк рандагиларда бўлса 690 граммни, сур рандагиларда эса 630 граммни ташкил қилди.

6. Сўт маҳсулдорлиги барча рангларда 5-6 туғим ёшигача ошиб борган бўлиб ва кейинги ёшларда камайиб бориши кузатилди. Ранглар кесимида қора рандагиларда бу кўрсаткич бўйича (12-14%) устунлик сақланиб қолган.

7. Ранглар кесимида конституция типлари таҳлил шуни кўрсатадики, қора рангдаги қўйларда 79,6% мустаҳкам типга эга бўлган бўлса, бу кўрсаткич кўк рандагиларда 72,2%, сур рандагиларда эса 61,7% ни ташкил

қилди. Қора рангдаги қоракўл қўйларида кўк ва сур рангдагиларга нисбатан мустаҳкам типга эга 7,4-17,9% га устунлик қилади.

8. Ранглар кесимида сут маҳсулдорлиги барча конституция типга эга ҳайвонларда қўзилар янги туғилган даврдагига нисбатан 1-ойлик даврда 42,3% га кўпайиши кузатилди.

9. Қоракўл қўйларининг ранги кесимида сут маҳсулдорлиги маълум даражада яйлов типлариги боғлиқдир. Шўра-янтоқли яйлов типларида барча рангдаги қўйларда сут маҳсулдорлиги сезиларли даражада устунлик қилган.

Қора рангли қўйларда бир ойлик лактация давомида ўртача сут маҳсулдорлиги $879,9 \pm 0,75$ га тенг бўлган бўлса, кўк ва сур рангдаги қўйларда шунга мос равишда $848,4 \pm 0,71$ ва $821,4 \pm 0,74$ га тенг бўлди.

10. Қоракўл қўйларининг елин тузилишига боғлиқ сутдорлиги ранглар кесимида бир-биридан фарқланишлар аниқланилди. Барча рангдаги қоракўл қўйлари орасида аосан чуқур шаклдаги елин тузилишига эга қўйлар бош сони 80,0-84,2% тенгдир. Барча рангдаги чуқур елин тузилишга эга қўйларда сутдорлик маълум даражада устунлик қилади. Қора рангли ($n=50$) қўйларда $39,8 \pm 1,49$, кўк рангдагиларда ($n=22$) $37,6 \pm 1,69$, сур рангдигиларда ($n=38$) эса $38,1 \pm 1,97$ кг сут маҳсулдорлигини намоён қилди. Чуқур елин тузилишга эга қўйлар барча ранглар кесимида 11,4-19,9% га кўп сут бериш қобилиятига эга эканлиги кўрсатди.

11. Қоракўл қўйларининг сут маҳсулдорлигини ошириш мақсадида қўшимча озиқлантириш зарурдир. Суткасига бир марта кечқурунлари яйлов озукасига қўшимча равишда озиқлантирилса, қўйлар сутдорлиги 8,0- 11,0% га ошиши кузатилади.

12. Турли рангдаги қўйларнинг сут маҳсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили шуни таъкидлайдики, қора рангдагиларда рентабеллик даражаси 31,6%, кўк ва сур рангдагиларда шунга мос равишда 28,4% ва 26,1% тенг.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01 ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

БЕКБАЕВ ХАНПОЛАТ АРЫСЛАНБАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МОЛОЧНОЙ ПРОДУКТИВНОСТИ
КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ В УСЛОВИЯХ КАРАКАЛПАКИИ**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время каракульскую породу овец разводят в более чем в 50 странах мира, а общее количество более 600 пород овец различных видов продуктивности составляет 1,25 миллиарда голов. Спрос на молочные продукты каракульеводческой отрасли растет во всем мире. Поэтому в зарубежных странах, где развита каракулеводство, проводятся научные исследования для удовлетворения спроса населения на продукцию каракулеводства, особенно уделяют внимание на количество и качество молочных продуктов, а также ведутся исследования по модернизации селекционных и технологических процессов.

Среди этих стран в ЮАР, Намибии, Афганистане, из стран СНГ в Казахстане и Туркменистане каракульская порода обогатилась новыми генетическими признаками, расширился их генетический потенциал.

В Узбекистане есть три породных типа овец сур - Бухарская, Каракалпакская и Сурхандарьинская¹. Каракалпакский породный тип считается ценным и разработка способов увеличения их молочной продуктивности является важным. За годы независимости в стране были приняты комплексные меры по улучшению породы каракульских овец путем организации их селекции. В результате за счет биологических свойств этой породы удалось повысить смушковую, молочную, шерстную и мясную продуктивность на сегодняшний день актуальным является совершенствование эффективных методов отбора и подбора животных по важнейшим признакам молочной продуктивности каракульских овец в разных окрасок и выращивание устойчивого потомства в суровым климатическим условиям региона.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2018-2020 годах особое внимание уделяется «...последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности, увеличение производства экологически чистой продукции, быстрое развитие животноводства, удовлетворению увеличения спроса населения на продукции живодноводства². В частности, наряду с производством сельскохозяйственной продукции, планируется поощрять многопрофильные хозяйства, которые обеспечивают переработку, подготовку, хранение, продажу и услуги.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 16 марта 2017 года «О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в животноводстве» ПП-2841, от 14 марта 2018 года «О мерах по ускоренному развитию каракулеводческой отрасли» ПП-3603, от 16 августа 2019 года «О мерах по комплексному развитию каракулеводческой отрасли» ПП-4420,

¹ <https://agro-olam.uz/qoylarning-qorakol-zoti-haqida/>

² ПФ-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

